

ЗАХИРИДДИН МУҲАММАД  
БОБУР НОМИДАГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD  
BOBUR NOMIDAGI  
ANDIJON DAVLAT  
UNIVERSITETI

# ILMIY XABARNOMA

## Научный вестник

2018 / №1

Андижон  
2018 йил

## МУНДАРИЖА

### ГЕОГРАФИЯ

М.МАМАЖОНОВ

Андижон вилояти каналлари ва уларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ..... 58

О.Б.БАХТИЁРЗОДА

Вклад русских ученых в становление геологической науки Узбекистана ..... 62

Ж.Ш.ҲАЙИТОВ

Россия империясининг кўчириш сиёсати ва немис-меннонитлар тақдирни ..... 65

Ж.ХАСАНОВ

Ўзбекистон фанлар академияси тарраққиётида Ҳабиб Абдуллаевнинг тутган ўрни ..... 68

### ТАРИХ

### АДАБИЁТШУНОСЛИК

Б.ТЎРАЕВА

Бадиий замон концепциясининг ўзбек адабиётшунослигига ўрганилишига доир ..... 72

Б.МҮМИНОВ

Шухратнинг «Олтин зангламас» романидаги бош қаҳрамон эволюцияси ..... 74

А.Х.ТУРСУНОВ

Йоҳанн Шильтбергер ва унинг «Саёҳатнома»си ..... 77

### ТИЛШУНОСЛИК

В.А.КАРАЩУК, Н.Ф.ПАРПИЕВА

Семантический анализ имен прилагательных со значением цвета в современном русском и узбекском языках ..... 80

М.А.АЛИЕВА

Миллий газлама дизайнерлик терминларида парадигматик муносабат ..... 82

Н.Т.ДОСБАЕВА

Лакуна лингвомаданий ҳодиса сифатида ..... 86

### ПЕДАГОГИКА

З. АЗИМОВА

Олий таълим муассасаларида маънавий-ахлоқий муносабатларни такомиллаштиришнинг интеграл педагогик имкониятлари ..... 89

Т.У.ИСМОИЛОВ, Ф.Т.ИСМОИЛОВ

Ёш авлодни тарбиялашда ҳаракатли ўйинларнинг аҳамияти ..... 92

А.QODIROV, N.XAKIMOVA

Limitlarni hisoblashda Shtolts teoremasidan foydalanish ..... 95

С.С.ТАЖИБАЕВ

Ўсмир боксчиларнинг техник тайёргарлигига ҳаракатли ўйинлар биокинематик занжирининг қиёсий таҳлили ..... 97

И.Р.КАМОЛОВ, М.З.НОСИРОВ, А.А.АҲМЕДОВ, Д.И.КАМОЛОВА

Олий таълим ўкув жараёнига инновацион таълим технологияларини татбиқ этиш ..... 100

Т.СУЛАЙМОНОВА, Ф.ҚОСИМОВА

Ўсмирларда ватанпарварлик қадриятларини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари ..... 103

А.AHLIMIRZAYEV, M.IBRAGIMOV, N.ABDULLAYEVA, SH.ERKINJONOVA

Parametr qatnashgan kvadrat tenglamalarni yechishda ba'zi bir teoremlardan foydalanish ..... 107  
«Илмий хабарнома – научный вестник» журналида чоп этиладиган мақолаларга кўйиладиган талаблар ..... 112

свой съемке края. Произведен был ряд картографических работ, в основе которых лежали детальные съемки территории, и закончены многолетние капитальные астро-геодезические и гравиметрические исследования П.К. Залесского.

Таким образом, в конце XIX – начале XX в. значительный вклад в изучение геологии Средней Азии внесли видные русские ученые, которые способствовали становлению геологической науки Узбекистана.

#### Литература:

1. Маджмуа-ийи васаик. ИВ АН РУз, инв. № 1386, л. 227 а.
2. Махмуд ибн Вали. Море тайн. - С. 65, 76, 92.
3. Посланник Петра I на Востоке. Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718-1725 годах. - М.: Наука, 1998. - С. 83-84.
4. Терентьев М.А. Россия и Англия в борьбе за рынки. - СПб., 1876.- С. 50.
5. Венюков М.И. Опыт военного обозрения русских границ в Азии - СПб., 1873
6. Бутенев К.Ф. Заводское дело в Бухарии // Горный журнал. Ч. 4. Кн. 11.- Спб. 1842.- С. 148-154.
7. Бутенев К.Ф. Монетное дело в Бухарии // Горный журнал Ч. 4. Кн. 11.- Спб., 1842.- С. 154-156.
8. Бутенев К.Ф. Об увеличении сбыта русских горных заводов в Бухарию // Горный журнал. Ч. 4. Кн. 11. Спб., 1842. С. 168-175.
9. Бутенев К.Ф. Минеральные богатства Бухарии // Горный журнал. Ч. 4. Кн. 11. - СПб., 1842.
10. Краузе И. Заметка о красильном искусстве туземцев // Русский Туркестан. Сборник, изданный по поводу политехнической выставки. Вып. III. География и статистика / Под ред. Н.А.Маеева. - М., 1872.
11. Записки Будрина о пребывании в Бухаре (1820) // История Узбекистана в источниках. - Т., 1988. - Т. II. - С. 211
12. Золотинецкая Р.А. Северцов Н.А. – географ и путешественник. – М., 1953.
13. Заметка о минеральных богатствах Туркестанского края горного инженера Д.К. Мышенкова. – Т., 1892.

ЎЭФА Тарих институти,  
2017 йил 21 декабрда қабул қилинган  
(Такризчи: проф. О.П.Кобзева)

## РОССИЯ ИМПЕРИЯСИННИНГ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ ВА НЕМИС-МЕННОНИТЛАР ТАҚДИРИ

(XIX аср охирини – XX аср бошларини)

Ж.Ш.Хайитов

Мақолада XIX асрнинг охирги чорагида Туркестон минтақасига кўчиб ўтган немис-меннонитлар ҳаёти, турмуш тарзи, хўжалиги, тарихий тақдиди мавжуд манбаларнинг қиёсий таҳлили асосида ёритилган.

**Калим сўзлар:** кўчириш сиёсати, Сирдарё вилояти, Каспий ортои вилояти, Хива хонлиги, немис-меннонитлар, дехқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, ёлланма ишчи, тадбиркор.

В данной статье анализируются на основе источников сведения об исторической судьбе немцев-меннонитов, об их хозяйственной деятельности.

**Ключевые слова:** переселенческая политика, Сырдарьинская область, Закаспийская область, Хивинское ханство, немцы-меннониты, земледелие, скотоводство, ремесленничество, предприниматель.

*The given article presents the analysis of the data on the historical destiny of German - Mennotites and the economic activities on the basis of certain sources.*

**Key words:** resettlement policy, Syrdarya region, Transcaspian region, Khiva khanate, German mennonites, hired workers, dekhkan farms, cattle breeding, agriculture, craftsmanship, businessman, industrious, disciplined, Turkestan cotton, prices.

менненитлари томонидан чоп этилган, асосан диний масалалар күтарилигандын газеталарни ўқиб туришган. Ушбу газеталар мұхожирлар, сайёхлар, савдоғарлар томонидан Авлийетадаги немис-менненит қишлоқтарига турли йүллар билан олиб келинар эди. Менненитлар деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчilik билан шугулланған, баъзилари шаҳарга бориб тадбиркорлик билан ҳам машгул бўлишган. Авлийетада менненитлари ҳаётини ўргангандын жаноб Гейёрнинг ёзишича, чорвачиликнинг чўчқачилик соҳаси уларнинг хўжалигига яхши тараққий қилган. Сигир ва қўй парваришилашда менненитлар устаси фаранг бўлиб, пахта экиш тажрибасига эга бўлмаганлари учун бу борада муваффақиятта эриша олмадилар [2.3–4].

Туркистон генерал-губернаторлигининг Каспийорти вилоятида, Ашхабоддан 90 чақирим узоқлиқда жойлашган ҳудудда 1892–1893 йилларда империянинг Саратов губерниясидан кўчирилган немис-менненитларнинг Саратовка қишлоғи бўлган. Саратовка қишлоғидаги немислар 18 хўжалик (оила) бўлиб, 83 жонни ташкил этарди. Бу немис-менненитлар ҳар бир оиласига янги колонияда ўрнашиб олиш учун давлат томонидан 100 рубль миқдорида ёрдам пули берилган. Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилиқдан узоқ бўлганлари учун улар лалмикор деҳқончилик билан шугулланышган. Саратовкалик немислар 1894 йилда 55 десятина ерга бүгдой, 5 десятина ерга арпа экиб, 1 десятина ердан 15 пуд (1 пуд – 16 кг) бүгдой, 30 пуд арпа олишган. Саратовка қишлоғига истиқомат қилувчи немис-менненитлар чорвачиликнинг қорамолчилик ва чўчқачилик соҳаларида катта ютуқпарга эришгандар. Улар парваришилаган сигирлар 30 – 40 литргача сут берган. Чорва моллари учун беда этишириладиган кенг майдонлар барпо этилган, ёввойи ўт-ўланлардан пичан гараллари қилишарди ва гараллар сонига қараб ҳар бир немис-менненит нечта қорамолга эга эканини билиб олиш қийин эмасди. Немис-менненитлар паррандачилик, айниқса, курка парваришилашда устаси фаранг бўлишган. Уларнинг ҳар бир хўжалигига 5 – 6 та қорам, 30 – 40 тагача курка парваришиланган. Чорва маҳсулотлари (гўшт, сут, сметана, қаймоқ – Ж.Х.)ни мўл-кўл этишириган – немис хўжаликлари эҳтиёжларидан ортиқча товарни Ашхабод шаҳри бозорида сотишган ёки ҳарбий гарнизонлар учун маҳсулот харид қиладиган дўконларга белгиланган нархларда топширишган. Айрим немислар тегирмонларга эга бўлиб, уларда 3–4 киши меҳнат қилган. Саратовка менненитлари хўжалик ҳаёда боғдорчиликнинг роли ҳам мухим бўлган. Улар ахсий томорқасида олма, малина, смородина, кривник каби экинлардан мўл-кўл ҳосил этиширишган. Хўжалик тармокларидан узумчилик, картошка, томидор, шоли этишириш билан ҳам шугулланган менненитлар 1 десятина ердан 500 центнер картошна, шолидан 100 центнер ҳосил олишган [2.5]. Айрим – балларда картошка, помидор, бақлажон каби янги янги навлари минтақамизга немис-менненитлар то-

монидан олиб келингани қайд этилган. Бироқ ушбу маълумот тарихий ҳақиқатдан йироқ бўлиб, В.И.Кушелевский: «Картошканнинг маҳаллий номи йўқ... 1865 йилда Тошкент забт этилганидан сўнг, татарларнинг уйларидан кўп миқдорда топилган» [3.269.], – деб ёзди. Ушбу маълумот картошка ва помидор каби янги навлари немис-менненитлар Туркистон минтақасига келишидан илгари маълум бўлганидан далолат беради.

Саратовка қишлоғидаги немис-менненитлар қиши фаслида, яъни шахсий хўжалик ишларидан эркин бўлган пайтларда, Ашхабод шаҳрида бир кунлик меҳнат эвазига 50 – 80 тийин тўланадиган турли юмушларни ҳам бажариб тирикчилик қилишган. Сирдарё ва Каспийорти вилояти немислари ўз шахсий хўжаликларини акл-идрок билан юритиб, ўзаро ва кўшиллар билан дўстона умргузаронлик қилишган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Хива хонлигига 106 минг уйлик (шундан 30 минг уйлиги туркманлар) аҳоли истиқомат қилиб, ҳар бир оиласда ўртача 7 жон бўлса, жами: 742 минг киши бор эди. Хонлик ҳудудидаги бекликларда 1507 нафар руслар ҳам бўлиб, жумладан, Хива қалъсида – 80 нафар, Урганчда – 110, Тошховзда – 100, Кўнғиротда – 150, Садбарда – 300 нафар славянлар (рус, украин, беларус ва х.к.) истиқомат қиласади.

Шунингдек, хонлиқда 137 нафар немис-менненитлар ҳам яшаб, улар 1884 йилда Қипчоқ яқинидаги Илонтов деган жойга келиб ўрнашганлар. Ушбу немислар асли Германиянинг Марионбург ҳудудидан бўлиб, аввал Россияга, сўнгра хонликка кўчиб ўтган эдилар. Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз II (1864 – 1910) немис-менненитларни хонлик маркази Хива шаҳрига яқин бўлишлари учун Оқмасжид (Ҳакмасжид)га кўчиради [4]. Оқмасжид немислари томларни шифер қилиш, уйларга ойна ўрнатиш, фотосурат олиш, кинематография соҳасидаги янгиликларни олиб келишган. Ҳатто туркистонлик биринчи фотограф Худойберганинг устози ҳам оқмасжидлик немис-менненит Пиннер номли шаҳс ҳисобланади. Улар Хива шаҳрида замонавий шифохона ва почтахонани бунёд этишиди, «Жавон», «Зингер» тикув машиналарини Оқмасжидга олиб келишди. Мош, кунжут, ловия каби маҳаллий экинларнинг янги навларини яратдилар, улар моҳир дурадгорлар бўлиб, нақшинкор дарвоза ва эшиклар ясашган. Оқмасжид немис-менненитлари хунармандчilik буюмларини ясашда хон ва унинг амалдорлари буюртмасини бажаришган. Туркистон минтақаси ва хонлиқдаги сиёсий жараёнларга қатнашмаган немислар товон тўлаб ўзларини ҳарбий хизматдан озод қилиб олишган. Деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчilik машгулларни билан шугулланган оқмасжидлик немис-менненитлари ясаган буюмлар ҳозиргача сақланган. Улар совет ҳокимиятия йилларида колхозларга бирлашишни истамади, кейинчалик тарқалиб кетиб, кўплари Тожикистанга кўчиб ўтишган. Оқмасжид (Хива шаҳридан 12 км узоқлиқда, ҳозирги Янгиарик тумани-

да) немислари 1930 йилларда турли худудларга тарқалиб кетадилар. Оқмасжидлик немис-меннонитлар ўзларининг тартиб-интизоми, миришкор дехқон ва чорвадорлиги, моҳир уста-хунармандлиги, ҳалоллиги, одамохунлиги, тадбиркорлиги каби хислатлари билан маҳаллий аҳолида катта таассурот қолдирган.

#### Хулоса:

1. Россия империясининг 1860-йиллардан бошланган кўчирувчилик сиёсати туфайли минг-минглаб Европа миллат вакиллари, шунингдек, оз сонли бўла-да, немис-меннонитлар ҳам Туркистон минтақаси худудларига келиб жойлашдилар.

2. Немис-меннонитлар ўзларининг диний мазҳаби қоидаларига қатъий амал қилиб, ҳарбий-сиёсий жараёнлардан четда турдилар ва тинч-ижодий меҳнат билан шуғулландилар.

3. Немис-меннонитлар Туркистон минтақасидаги янги экин навларини жорий этишда, боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчилик соҳасида муҳим роль ўйнадилар.

4. Немис-меннонитларнинг маҳаллий аҳоли билан самимий муносабати хўжалик юритишдаги тарихий тажрибаси миллатдошларимизга сезиларли таъсир ўтказди.

#### Адабиётлар:

1. Граф Головин. Колонизация Туркестана (Корреспонденция нового времени) // Туркестанский сборник; Том.542.– С.343–344.
2. Крестьянская колонизация въ Сырь-Дарынской области (Русская мысль; №2. За 1893) //Туркестанский сборник; Том.419.– С.3–4; 5–10.
3. Кушелевский В.И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Т.1; Новый Маргелан; 1890. – С. 201–268.
4. Маткаримов С.А. Хива хонлигига нарх-наво, аҳоли ва солиқ // Ўзбекистон овози.- 2006.- 15 октябрь.
5. Собиров Н. Эгамназаров А. Фаргона водийсининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишида немис ишбилармонларининг ҳиссаси.- Т., 2002.– 163 б.
6. Faafurov Ш. Тарих ва тақдир: Россия империясидан Туркистонга кўчирилганлар. – Т.: Фан; 2006. 223 бет.

Бухоро давлат университети,  
2017 йил 22 декабрда қабул қилинган  
(Тақризчи: доц. Б.Расулов)

## ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ТАРРАҚҚИЁТИДА ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Ж.Ҳасанов

Мақолада XX асрнинг 30-60-йилларида Ўзбекистонда Фанлар академиясининг ташкил этилиши ривожланиши жараёнлари ва академия тарракқиётида Ҳабиб Муҳаммадович Абдуллаевнинг тутган ўрни ва роли масаласи янги манбалар асосида атрофлича ёритилган.

**Калит сўзлар:** фанлар академияси, илмий тадқиқот муассасалари, миллий илмий кадрлар, илмий ходим, фан номзоди, фан доктори.

В статье освещаются вопросы организации Академии наук Узбекистана и её развития в 30-60 годах XX века. А также изучены роль и место Хабиба Абдуллаева в развитии Академии наук Уз ССР.

**Ключевые слова:** академия наук, научно-исследовательский институт, национальные научные кадры, научный сотрудник, кандидат наук, доктор наук.

The article is devoted to the organization of the Academy of Sciences of Uzbekistan and its development in the 30-60 years of the twentieth century. Also, the role and place of Habib Abdullaev in the development of the Academy of Sciences of the Uzbek SSR was studied.

**Key words:** Academy of Sciences, research institutes, national scientific cadres, research associate candidate of science, doctor of science.